

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.11199940>

АХМАД ДОНИШ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Милтиқбоев Бобир Зокирович

Аннотация: бугунги кунга келиб мамлакатимизда миллий маънвий мерос ва уни тиклашининг аҳамияти ва роли хусусида кўплаб илмий изланишилар олиб борилмоқда. Мамлакатимиз раҳбари томонидан ҳам миллий маънавий меросни тиклаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Уибу мақолада Ахмад Дониш илмий меросини ижтимоий фалсафий жиҳатдан таҳлил қилишининг роли ва аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: Ахмад Дониш, фалсафа, миллий мерос, маънавий камолот, мағкура, гоя, Бухоро.

Жаҳон ва юртимиз ижтимоий-фалсафий ҳамда маънавий-маърифий тафаккури ривожида XIX-XX асрларнинг алоҳида ва муҳим ўрни бор. Айниқса бу давр ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг кескинлашуви, маънавий тафаккур, ғоявий-мағкуравий жараёнларнинг хилма-хиллиги билан ажralиб туради. Шу билан бирга бу даврда етишиб чиқсан олимлар, тарихчилар, файласуфлар ўзларининг фавқулодда ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий ғоялари ва қарашлари билан жаҳон ҳамжамиятини ҳамон қизиқтириб келмоқда. Шу сабабдан ҳам бу давр алломаларининг илмий-фалсафий қарашларини янада чуқурроқ ўрганиш зарур.

XIX-XX асрларда Туркистон минтақаси хусусан Бухорода кўплаб файласуфлар, олимлар маънавият ва маърифат дарғалари етишиб чиқди. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўринли таъкидлаганларидек, - "... Бухорои шарифнинг илм-маърифат, маданият ва санъат дарёси ҳеч қачон тўхтаган эмас. Бу кўхна юртда туғилиб ижод қилган Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний сингари кўплаб маърифат фидойиларининг ибратли ҳаёти бугунги кунда ҳам юртимизда янги жамият барпо этиш, баркамол авлодни тарбиялаш, маънавиятимизни юксалтиришда бизга бекиёс куч бағишлиб келмоқда"¹

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 146.

Бухорода XIX асрда яшаб, илм-фан, маънавият, маданият ва маърифат тарихида ўчмас из қолдирган, Аҳмад Дониш (Аҳмад ибн Мир Носир ибн Юсуф ал-Ханафи ас-Сиддиқий ал-Бухорий 1827-1897 йй)нинг¹ илмий-ижодий меросининг маънавий тафаккур тараққиётга таъсири, ёш авлод тарбиясидаги ўрни, аҳамиятини янада чуқурроқ тадқиқ этиш кўпгина фанлар қаторида фалсафа, маънавият асослари, маънавиятшунослик фанларининг ҳам олдидаги долзарб вазифалардан ҳисобланади. Аҳмад Дониш фалсафа, тарих, фалакиёт, риёзиёт, адабиёт каби фанларнинг бир қанча турлари ва йўналишлари билан шуғулланган том маънода қомусий олимдир. Унинг инсон маънавий тафаккур ривожланишидаги, ижтимоий-фалсафий, сиёсий қарашлари акс этган қуйидаги “Мажмуати ҳикояти Аҳмади Калла”, “Наводир ул-вақое”, “Рисолаи муҳтасаре аз тарихи салтанати хонадони манғития (Рисола)” асарларини алоҳида кўрсатишимиз мумкин.

“Агар киши таваккулга ишониб ҳаракат қилмаса, меҳнат қилмаса ва қийинчиликда, камбағаллик билан ҳаёт кечириш ёки мўл-кўлликда яшаш қисматда бор экан, деб айтса, ундей киши хато қилади. Демак у ақлли эмас”².

Аҳмад Дониш ўз мамлакатидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни чуқур илмий таҳлил қилиб, ижтимоий муҳитнинг ҳам иқтисодий ҳам маънавий орқада қолганлигини зътироф этади. Жамият ҳаётида аввало инсонлар тафаккури оламини ўзгартириш, уни ривожланган замонавий ғоялар билан тўйинтириш лозимлигини уқтиради. “Биз дунёни гуллаб яшнатиш учун, денгизлар кезиб ўрганиш учун, ер ости бойликларини топиш учун, унинг ҳамма қитъалари ва аҳолисини билиш учун туғилганмиз”³, - деб ёзади. Аллома ўша даврдаёқ бугунги кунларда амалга оширилётган ислоҳотларни ўз асарлари, фикр ва қарашларида келтириб ўтган десак, - муболаға эмас. У давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, ижтимоий муҳитда маърифатни, маънавиятни ривожлантириш, инсонлар тафаккурини ўзгартириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш каби масалаларни илмий асосда йўлга кўйиш замон талаби эканлигини кўрсатиб бера олди.

Аҳмад Донишнинг илмий-маънавий меросини инсон маънавий тафаккури ривожидаги аҳамиятини мустақил тадқиқот доирасида ўрганиш, нафақат илмий балки кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиш бугуннинг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда. Мутафаккирнинг бугунги кунгача сақланиб қолган ўн олтитадан ортиқ қўлёзма ҳолатдаги асарларини мукаммал тадқиқ этиш лозим.

¹ Дониш – Аҳмад ибн Мир Носир ибн Юсуф ал-Ханафи ас-Сиддиқий ал-Бухорий адабий таҳаллуси, билимдон маъносида.

² Мўминов И. Ўзбекистонда XIX аср охирида XX аср бошларида ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиш тарихидан. Танланган асарлар. Биринчи том. – Т. 1969 й.

³ Ўша асар.

Ахмад Дониш миллий меросини ўрганиш бугунги кунга келиб, Дониш маънавий мероси Шарқ мутафаккирларининг ноёб дурдоналари саналиб, унда инсон фалсафаси, маънавий-аҳлоқий масалалар мукаммал ёритилгандир. Бугунги кунда Ахмад Дониш илмий мероси етарли даражада ўрганилмагандир. Ахмад Донишнинг илмий асарлари жамият ва мамлакат тараққиётига хизмат қилиши билан биргаликда, ёшларнинг маънавий оламини бойитишга ҳам кенг имконият яратиши билан ажиралиб туради.

Буюк аждодларнинг маънавий меросини тиклаш ва ундан таълим тизимида кенг фойдаланиш миллий тарихимиз ва бой меросимиздан таълим тизимида фойдаланиш ёшларда миллий ўзликни англаш ва маънавий юксалишга катта таъсир кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 146.
2. Дониш – Аҳмад ибн Мир Носир ибн Юсуф ал-Ханафи ас-Сиддиқий ал-Бухорий адабий тахаллуси, билимдон маъносида.
3. Мўминов И. Ўзбекистонда XIX аср охирида XX аср бошларидаижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиш тарихидан. Танланган асарлар. Биринчи том. – Т. 1969 й.